


Angren shahar Davlat xizmatlari  
markazi tomonidan

2022 yil «22» *iyul* da

№ *528 3/2* qayta  
ro'yxatdan

"O'TKAZILGAN"



ANGREN SHAHAR ADLIYA BO'LIMI  
DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI  
DIREKTORI G.A. AXMEDOV

" O'zbekko'mir" AJ

aksiyadorlarning 2022yil "30"

Iyun dagi aksiyadorlarning umumiy  
majlisi qarori bilan

"TASDIQLANGAN"

# "O'ZBEKKO'MIR" aksiyadorlik jamiyatining USTAVI (Yangi taxrir)

Angren shahar 2022 yil

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (матн давомида - Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти (матн давомида –Жамият) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис Палаталарининг қарорлари, Фуқаролик Кодекси, Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармоишлари, меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларга, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиш қарорларига ва ушбу Устав талабларига мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда давлат руйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади, мустақил балансга, банкларда миллий, хорижий валютада счётларга, мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлади, судда, хўжалик ва ҳакамлик судларида даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.4. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий жамғармалар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган барча мол-мулклардан ташкил топади.

1.5. Жамият тижорат операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир ва фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.6. Жамиятнинг расмий номи:

а) Давлат тилида:

тўлиқ номи: “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти (кирилл алифбосида);

“O'zbekko'mir” aksiyadorlik jamiyati (лотин алифбосида);

қисқартирилган номи: “Ўзбеккўмир” АЖ (кирилл алифбосида);

“O'zbekko'mir” AJ (лотин алифбосида).

б) Рус тилида:

тўлиқ номи: акционерное общество «Узбекуголь»;

қисқартирилган номи - АО «Узбекуголь».

в) Инглиз тилида:

тўлиқ номи: joint stock company «Uzbekcoal»;

қисқартирилган номи: JSC «Uzbekcoal».

1.7. Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили): 102500, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Истиклол кўчаси, 1-уй.

1.8. Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@coal.uz](mailto:info@coal.uz).

1.9. Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.uzbekcoal.uz](http://www.uzbekcoal.uz).

## **II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ ВА МАҚСАДИ**

**2.1.** Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

**2.2.** Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишининг куйидаги турларини амалга оширади:

-кўмир, руда ва норудавий фойдали йўлдош қазилмаларни қидириш, казиб чиқариш, бойитиш ва қайта ишлаш;

-илмий - тадқиқот ва лойиха ишларини ташкил қилиш, кўмир саноатида техник сиёсатни амалга ошириш, ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш;

-жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини ҳар томонлама ошириш;

-тайёр маҳсулотни сотиш, жумладан экспорт қилиш;

-бозор конъюктураси ва маҳсулотлар маркетингидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришнинг ривожлаиш стратегиясини белгилаш;

-кўмир тармоғининг инвестиция сиёсати соҳасига таклифлар ишлаб чиқиш ва лойихаларни амалга ошириш учун чет эл капиталини жалб этиш;

-жамият кўмир конларини ўзлаштиришнинг тажрибавий ва саноатда фойдаланиш лойихаларини, технологик ҳариталарни ҳамда янги объектлар курилиш лойихаларини ишлаб чиқариш, геология-қидирув ишлари лойихаларини тасдиқлаш ва экспертизадан ўтказиш, кўмир казиб чиқариш тармоғини кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник қайта жиҳозлаш;

-хорижий банк ва компаниялардан соҳани ривожлантириш учун кредит олишни ташкил қилиш;

-таъминот - сотиш фаолияти;

-товар ва хизматлар экспорт -импорти; сервис хизматлари;

-қонунчиликда ман этилмаган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

Махсус лицензия (рухсатнома) олишни талаб қиладиган фаолият турлари қонунчиликда белгиланган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

## **III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ**

**3.1.** Жамиятнинг устав фонди акциядорларнинг эгалик ҳуқуқи бўлган Жамият барча акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

**3.2.** Жамиятнинг устав капитали 185 773 565 000 (бир юз саксон беш миллиард етти юз етмиш уч миллион беш юз олтмиш беш минг) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сум бўлган 184 302 515 (бир юз саксон тўрт миллион уч юз икки минг беш юз ўн беш) дона оддий ва 1 471 050 (бир миллион тўрт юз етмиш бир минг эллик) дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

**3.3.** Жамиятнинг устав фонди қонунчиликда белгиланган тартибда кўпайтирилиши мумкин.

**3.4.** Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

**3.5.** Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 642 774 125 дона оддий ва 10 000 000 дона имтиёзли акциялардан иборат.

**3.6.** Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (акцияларнинг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, жойлаштирилишини амалга ошмаган деб топиш ва жойлаштириш амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

**3.7.** Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

**3.8.** Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

#### **IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА ДИВИДЕНДЛАР ТўЛАШ ТАРТИБИ**

**4.1.** Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

**4.2.** Жамият имтиёзли акциялари ўз эгаларига ҳар йили акциялар номинал қийматининг 25 фоизи миқдориди дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

**4.3.** Имтиёзли акциялар эгалари Жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоти амалга оширилганга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

**4.4.** Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматиға мувофиқ белгиланади.

**4.5.** Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

**4.6.** Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашға йўл қўйилмайди.

**4.7.** Дивиденд акциядорлар ўртасида уларға тегишли акцияларнинг сони ва туриға мутаносиб равишда тақсимланади.

**4.8.** Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги. тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

**4.9.** Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

**4.10.** Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

## **V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ**

**5.1.** Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамғармаларни ташкил этади.

**5.2.** Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акциялари қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

**5.3.** Жамият устав капиталининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда Жамият захира фонди тузилади.

**5.4.** Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга етқунига қадар, ҳар йили соф фойданинг беш фоиздан кам бўлмаган миқдорда ажратмалар ўтказилади.

**5.5.** Жамият қонунчилиқда белгиланган бошқа жамғармаларни ҳам ташкил этиши мумкин.

## **VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ**

**6.1.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи -Жамият бошқарув органлари ҳисобланади.

## **VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

**7.1.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

**7.2.** Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатов кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатов кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

**7.3.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Жамият акцияларининг номинал қиймати, устав фондиди оширилиши билан боғлиқ киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар бундан мустасно;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- жамият кузатов кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- жамиятнинг устав фондиди камайтириш;

- ўз акцияларини олиш;

- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- жамият кузатов кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатов кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият афилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг жорий ҳўжалик фаолиятига кирувчи келишувларни аниқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш, ҳамда у билан шартнома тузиш (бекор қилиш);

- жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ижроия орган ва кузатув кенгашининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш;

- хайрия (хомийлик) ёки беғараз ёрдамни энг кўп миқдорларини белгилаш;

- жамият бизнес жараёнлари ва лойихалари жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги ҳар йиллик таҳлилни ўтказиш бўйича мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

**7.4.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

**7.5.** Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши чақириш бўйича бўлиб ўтадиган кузатув кенгашининг йиғилиши кунига қадар кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

## **VIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**8.1.** Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

**8.2.** Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 9 (тўққиз) кишидан иборат.

**8.3.** Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиш учун киритиш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- жамият ижро органига тўланадиган ҳақ ва мукофот миқдорини белгилаш, бунда бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаган ёки самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари “паст” ёки “қониқарсиз” деб баҳоланган тақдирда ижро органи томонидан ўтган ҳисобот йилида тўланган мукофотни тўлиқ Жамиятга қайтариш масаласини кўриб чиқиш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа жамғармаларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- акцияларни жойлаштириш нарҳини белгилаш;

- руйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият бошқарувини тузиш, унинг раисини ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қилиш;
- жамият Бошқарув раисининг (бош директор) ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;
- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;
- кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини, шунингдек заруриятга кўра бошқа қўмиталарни ташкил қилиш;
- жамиятнинг раҳбар лавозимларига ўтказиладиган танлов регламентини тасдиқлаш, ижро органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари лавозимларига танлов эълон қилиш ва ўтказиш;
- жамият харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш;
- жамият ижро органи раҳбарининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари ва лойиха офисининг харажатлар сметасини тасдиқлаш;
- жамият ижро органи раҳбарига хусусийлаштириш жараёнларини, шу жумладан акцияларни оммавий жойлаштиришни (IPO) сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот ёки амалга оширмаганлик учун жавобгарлик чоралари белгилаш;
- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;
- жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиш;
- ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкиллаштириш, баҳолаш ҳуқуқига эга мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш;
- жамиятни яшил иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштириш;
- жамиятда трансформация жараёнларини самарали ташкил этиш, корхонанинг ташқи қарзларини оптималлаштириш, замонавий харид тизимини жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга муқобил маблағларни жалб этиш;

- қонунчиликда белгиланган бошқа масалалар.

**8.4.** Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

**8.5.** Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

**8.6.** Бир фоиздан кам бўлмаган овоз бериш ҳуқуқини берадиган Жамият акциясига эга бўлган акциядорлар (акциядор) Жамият кузатув кенгаши йиғилиши чақириғини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**8.7.** Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

**8.8.** Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариха олинган овозларни битта номзодга тўлик ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

**8.9.** Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

**8.10.** Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади. Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

**8.11.** Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

**8.12.** Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

**8.13.** Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

**8.14.** Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашинг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

**8.15.** Жамият Кузатув кенгаши “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги низоми асосида иш олиб боради.

## **IX. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ**

**9.1.** Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиял ижроия орган (бошқарув) томонидан амалга оширилади. Бошқарув раиси бош директор деб аталади. Бош директор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади. Бунда директор сифатида тайинланган шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ директор бўлиши мумкин эмас.

**9.2.** Бошқарув аъзолари олти кишидан иборат. Директор лавозимига номзод сайлангандан (тайинлангандан) кейин кузатув кенгаши у билан 3 (уч) йил муддатга шартнома тузади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши мумкин. Шартнома жамият номидан кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

**9.3.** Бошқарув органи Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва тезкор раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

**9.4.** Бош директор (Бошқарув раиси) акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

**9.5.** Бош директор (Бошқарув раиси)га тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

**9.6.** Бошқарув органининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

- жамиятнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- жамият филиаллари, шўъба ва тобе хўжалик Жамиятларининг фаолиятини самарали ташкиллаштириш ва қонунчилик асосида назорат этиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш ва ҳар чорақда кенгайтирилган ижроия орган мажлисида кўриб чиқиш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
  - жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
  - жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва кузатув кенгашининг ваколатларига кирадиганлар бундан мустасно;
  - жамиятни ривожлантириш стратегиясини ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;
  - жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган микдорларда фойда олишни таъминлаш;
  - жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;
  - ўз ваколатлари доирасида мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида жамият бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала жамият бошқаруви қарорига мувофиқ кузатув кенгаши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);
  - жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;
  - дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;
  - жамиятнинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 9.7. Бош директор (Бошқарув раиси) нинг ваколатлари:**
- мазкур Устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
  - кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
  - жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш:
  - жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - қонунчиликда белгиланган тартибда Жамият номидан битимлар тузиш;
  - жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
  - жамият ходимлари бўйича штатларни тасдиқлаш;
  - жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;
  - жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
  - жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
  - ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

-акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

- банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;

- жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

- жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

- директор ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради, акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

- директор Жамият Уставида, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларида, Кузатув кенгаши қарорларида, у билан тузилган меҳнат шартномасида ва қонунчилик билан белгиланган ваколатлари доирасида иш тутади.

- жамият бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга.

#### **9.8. Директор қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- жамиятнинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларига биринчи имзолаш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақлар очиш;

- жамиятнинг мижозлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва корхоналар билан битимлар ва шартномалар тузиш;

- жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этиш;

- ходимларнинг штат жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;

- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

- жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- жамият номидан ишончномалар бериш;

- жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакиллари жамият номидан овоз бериш бўйича кўрсатма бериш;

- жамият хўжалик таваккалчилигини ва директорнинг жавобгарлигини суғурталашни амалга ошириш;

- жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатига кирувчи ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;

- қонунчиликда, жамият уставида ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларларни амалга ошириш.

#### **9.9. Директорнинг мажбуриятлари:**

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш, уни ишончлигилигини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида белгиланган тартибда тақдим этиш;

- ҳар чоракида йиллик бизнес-режанинг бажарилиши, жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисоботи тўғрисида Кузатув кенгашига ҳисобот бериш;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва жамиятнинг Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- жамият мулкани бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари кўшимча фаолият билан шуғулланишни фақат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

- устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган жамиятлар кўчмас мулклари, автототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини “E-auction” электрон савдо платформасидаги ижарага берилишини таъминлаш;

- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

**9.10.** Директорнинг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан келишилган ҳолда меҳнат шартномасида белгиланади.

**9.11.** Директор вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

**9.12.** Бош директор (Бошқарув раиси) узоқ муддатда бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини унинг ўринбосари ёки Кузатув кенгаши томонидан белгиланган шахс амалга оширади.

**9.13.** Бошқарув органининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ўзбекқўмир” акциядорлик жамияти ижроия органи тўғрисида”ги низомда белгилаб қўйилган.

**9.14.** Бошқарув органи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

**9.15.** Бошқарув органи қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият олдида жавобгардир.

**9.16.** Акциядорлар вакили бўлиб иштирок этаётган ижроия органи аъзолари ижроия орган аъзоларини сайлаш бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

**9.17.** Бошқарув органига мукофот пуллари Жамиятни ривожлантириш Бизнес режасида кўрсатилган кўрсаткичлар асосида, кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилгандан сўнг тўланади.

## **Х. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

### **Тафтиш комиссияси.**

**10.1.** Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини бир йил муддатга сайлайди. Жамият тафтиш комиссияси 3 кишидан иборат.

**10.2.** Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари:

- жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиши ва ҳар қандай молиявий ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ишончлилиги текширишга ҳақли;

- бошқарув органи, унинг филиаллари, бўлинма ва хизматларидан, ҳамда мансабдор шахслардан ўз иш фаолиятлари учун керакли ҳужжатларни талаб этиши;

- агарда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятига ва унинг манфаатларига хавф туғдирадиган далиллар аниқланган ҳолларда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилишини (бир овоздан) талаб қилишлари;

- кузатув кенгаши раиси ва унинг аъзолари таклифига биноан кузатув кенгаш мажлисида катнашишлари.

**10.3.** Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига сўралган кундан бошлаб икки кун ичида тақдим этишлари шарт.

**10.4.** Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

**10.5.** Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек Жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Айни бир шахс Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

**10.6.** Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамияти тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низомда белгилаб қўйилган.

## **Жамият Ички аудит хизмати**

**10.7.** Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдордир.

**10.8.** Жамиятнинг ички аудит хизмати Жамият Бош директори, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

**10.9.** Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Жамият ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомда белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

## **Аудиторлик ташкилоти (ташқи аудитор)**

**10.10.** Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

**10.11.** Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

## **XI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ, ШУ ЖУМЛАДАН МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**11.1.** Жамият акциядорлари:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

- Акциядорлар қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**11.2.** Акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг ўзаро позицияларини шакиллантириш учун акционер келишувлар тузиш ҳуқуқига эга.

**11.3.** Акциядорлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва кўзда тутилган ҳолларда ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақли.

**11.4.** Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларига кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

**11.5.** Ҳар бир оддий акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

**11.6.** Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Қонунга ва жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

**11.7.** Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар Қонунда ва мазкур уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

**11.8.** Жамиятнинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

**11.9.** Имтиёзли акциялар бўйича тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган дивиденд уч йил жамғариб борилади ва кейинчалик тўланади.

**11.10.** Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг

эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

**11.11.** Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

**11.12.** Акциядорнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Жамият томонидан корпоратив ҳаракатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириши Жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

**11.13.** Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

**11.14.** Жамият акциядорлари қуйидаги мажбуриятларга эга:

- Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қилмаслик.

- Акциядорлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**11.15.** Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларни олувчига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

Депо ҳисобварағидан кўчирма акциядорнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқлайдиган, депозитарий томонидан бериладиган ҳужжатдир.

**11.16.** Миноритар акциядорлар бошқарув органлари фаолиятига-асоссиз ҳужжатларни талаб қилиш ва конфиденциал ахборот, тижорат сирини ишлатиш (фош қилиш) йўли билан ҳалакит бермаслиги керак.

**11.17.** Миноритар акциядорлар кўмитаси моддий таъминоти учун ҳаражатлар Жамият маблағлари ҳисобидан қопланади (миноритар акциядорлар кўмитаси ташкил қилинганда).

## **ХII. ЖАМИЯТНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ**

**12.1.** Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

**12.2.** Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

**12.3.** Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисоб варагидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

**12.4.** Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан қонунчиликда белгиланган муддатда Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

## **ХIII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

**13.1.** Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

**13.2.** Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш фақат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

**13.3.** Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда Жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

**13.4.** Ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини (бундан буён матнда тугатувчи деб юритилади) тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

**13.5.** Жамият Ихтиёрий равишда тугатилаётганда акциядорларининг умумий йиғилиши Жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

**13.6.** Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**13.7.** Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Жамият тугатилаётганда тугатувчи Жамият номидан судда иштирок этади.

